

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни  
ривожлантириш агентлигининг  
Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи,  
харид комиссияси раиси



*[Handwritten signature]*

О.Яминов

08.11 2022

Асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини (тикув машина,  
оверлок ва бошқалар) харид қилиш бўйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Тошкент - 2022 й.

## МУНДАРИЖА

1. Харид қилинаётган Асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари (тикув машина, оверлок ва бошқалар)нинг хусусиятлари ва кўлами .....
  2. Таъминотчига қўйиладиган талаблар .....
  3. Асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари (тикув машина, оверлок ва бошқалар)ларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш .....
  4. Иш жойи ва вақти .....
  5. Бошқа шартлар .....
- илова .....

**1. 1. Харид қилинаётган асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларининг (тикув машина, оверлок ва бошқалар) (кейинги ўринда асбоб-ускуналар) хусусиятлари ва кўлами.**

**1.1 . Тикув машинасининг техник параметрлари:**

- Игна тизими Двх1 Но. 70-110;
- Автоматик сокол тизими;
- Тикув соҳасида ЛЕД ёруғлик;
- Энергия тежайдиган восита;
- Ички сенсорли бошқарув панели;
- Ички двигателли машиналарга нисбатан 70% энергия сарфи камаядиган;
- Двигател ва асосий милнинг янги дизайни машинанинг ишлаш муддатини оширишга имкон берадиган ва унинг ишончлилигини оширадиган;
- Юмшоқ тикиш, шовқинсиз ишлаш, тебранишлар йўқлиги, силлиқ тезликни созлаш, босқичма-босқич тикиш имконияти ва бошқалар.

**1.2. Тикув-оверлок машинасининг техник параметрлари:**

- Тикув-оверлок машинаси трикотаж, пахта ва жун маҳсулотларини тикишда матонинг четини қирқиш учун мўлжалланган 4 ипли;
- Игна тури: ДХ27 Но. 75-100;
- Босим оёғининг максимал баландлиги: 5,5 мм;
- Максимал тикув тезлиги: 6 500 об/мин;
- Астарнинг кенглиги: 6,0 мм;
- Оёқнинг баландлиги: 6,5 мм;
- Тикув қоплама машинаси трикотаж, пахта ва жун маҳсулотларини тикишда матонинг четини қирқиш учун мўлжалланган.
- Машинанинг асосий афзалликлари:
- Жим ишлаш, тебраниш йўқ, босқичма-босқич тикиш тезлигини муаммосиз созлаш имконияти;
- Ёпиқ мой таъминоти тизимининг игна таёғи;
- Двигател ва асосий милнинг янги дизайн кўриниши, машинанинг ишлаш муддатини оширишга имкон берувчи омили ва унинг ишончлилигини ошириши;
- Машинада USB порт бўлиши керак;
- LED ёритиш бўлиши керак.

**1.3. Рашма тикув машинасининг техник параметрлари:**

- Саноат учун мўлжалланган, 3 игналик ва 5 иплик, серво мотор ва ЛСД чирокга эга рашма тикув машинаси
- Серво мотор ҳисобига 70% токни эконоом қиладиган;

- Чок узунлиги 1,4 мм-4,5 мм гача;
- Лапканинг максимал баланглиги 5 мм;
- Максимал тезлик 5 000 чок/мин;
- Игналарнинг ораси 5,6 мм

#### **1.4. Дазмол:**

Пар дазмол.

- 2000 Вт
- керамика
- 24 г/мин
- 85 г/мин
- Автоматическое отключение
- Длина шнура-1,9 м

### **2. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар**

- 2.1 Асбоб-ускуналарга қўйилган техник талабга мос келиши (зарур);
- 2.2 Харид қилинаётган асбоб-ускуналарга камида 5 йиллик кафолат мавжудлиги;
- 2.3 Асбоб-ускуналарни шартнома имзоланган кундан бошлаб кўпи билан 1 иш куни ичида етказиб бериши;
- 2.4. Асбоб-ускуналарга камида 3 йилгача бепул хизмат кўрсатиш бўйича кафолат;
- 2.5 “Етказиб берилган асбоб-ускуналар яроқсиз бўлган ҳолда 1 кунлик муддатда янгисига алмаштириб бериш .

### **3. Асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш**

- 3.1. Асбоб-ускуналарни шартнома имзоланган кундан бошлаб кўпи билан 1 иш куни ичида буюртмачи томонидан кўрсатилган манзилга етказиб бериши.
- 3.2. Асбоб-ускуналарни етказиб бериш Ўзбекистан Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошка норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.
- 3.3. Етказиб берилган асбоб-ускуналар яроқсиз бўлган ҳолда янгисига алиштириб бериш.
- 3.4. Асбоб-ускуналарга камида 5 йиллик кафолат.
- 3.5. Асбоб-ускуналарга камида 3 йилгача бепул хизмат кўрсатиш бўйича кафолат.
- 3.6. Асбоб ускуналар берилган кафолат даврида бузлиб қолган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган тақдирда асбоб-укуналарни таъмирлаш ишлари “Таминотчи” томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.
- 3.7. Эҳтиёт қисмлар алмаштиришни талаб қилганда эҳтиёт қисимларни Таъминотчи ҳисобидандан бепул ўрнатиб бериш.

### **4. Иш жойи ва вақти**

- 4.1. “Таминотчи” асбоб-ускуналарни буюртмачини талабига мувофиқ Тошкент

шаҳри бўйича етказиб беради.

4.2. Асбоб-ускуналарни етказиб бериш “Буюртмачи”нинг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача (5/7).

4.3. Буюртмачининг талабига биноан етказиб бериш манзили ва вақти ўзгартирилиши мумкин.

### **5. Бошқа шартлар**

5.1. Турли хавф хатарлар ва форс можор ҳолатларини олдини олиш мақсадида “Таминотчининг” доимий иш фаолиятида бўладиган телефони мавжудлигини таъминланиши шарт.

5.2. “Таминотчининг” телефонлари 24/7 давомида ишлашини таъминлаши шарт.

5.3. “Таминотчининг” телефон рақамлари рўйхатини “Буюртмачига” шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилишини таъминлаши шарт.

### **Асбоб ускуналар сони ва турлари**

Тўғричок тикув машинаси 102 комп;

Оверлок тикув машинаси 65 комп;

Рашма тикув машинаси 2 комп;

Дазмоли 10 дона;

### **Таклиф киритди:**


**Комиссия котиби**



**Х.Абдуллаев**

### **Келишилди:**

**Харид комиссияси**



**Д.Нуритдинов**  
**А.Турсунов**  
**Д.Нурматов**  
**А.Ибрагимов**